

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 21-OCTYABR ■ PAYSANBA ■ 125 (27.300) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ —

### ШОВИНИЗМ ВА МИЛЛАТЧИЛИКНИ, ҲАР ҚАНДАЙ КЎРИНИШДАГИ ДИНИЙ ВА ҒОЯВИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИ ҚОРАЛАЙДИ ВА ҚАТЪИЯН РАД ЭТАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 октябрь куни Оқсаройда НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схефферни қабул қилди.

Мамлакатимиз Президентини меҳмонни ушбу ташкилотга раҳбар бўлгани билан қутлар экан, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорликка муҳим аҳамият беришини таъкидлади.

— «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик айниқса алоҳида аҳамиятга эга, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон НАТО билан муносабатларни қаралайди ва ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдориди.

Мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан муносабатлари фақат ҳарбий соҳани ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик билан чекланмайди. Фан-таълим, иқтисодиёт каби соҳалар, шунингдек, табиий офатларнинг олдини олиш бўйича НАТО мутахассислари билан маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда, тадқиқотчилар ўзаро тажриба алмашмоқда. Биргаликдаги машқлар ўтказилмоқда, алаҳсининг махсус ўқув курсларида Ўзбекистон Куролли қўчаларининг вакиллари малака ошириб, жанговар тайёргарлигини такомиллаштирмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий ислохотларни амалга оширишда, ўқув марказлари ташкил этишда, халқаро террорчиликка қарши курашда Ўзбекистон НАТО билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Яап де Хооп Схеффер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз билан НАТО ҳамкорлигини ривожлантириш икки томон учун ҳам манфаатли эканлигини қайд этди.

Оқсаройдаги учрашувда ана шу масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## НАТО БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схеффер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Содик Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва иқтисодий музокаранинг бош мавзуси бўлди. Мулоқот чоғида, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Шу кун меҳмон Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Фуломов билан учрашди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда мустақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро террорчиликка қарши курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLAMO KARIMOV JANOBI OLIIYLARIGA

Қутлуг Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан Сизга самимий табриклар йўллаш ҳамда эҳтиромларимизни изҳор этишдан бағоят мамнунман.

Ушбу муқаддас ой Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига ҳамда барча мусулмонларга равақ ва фаровонлик олиб келади, деб умид қиламан.

Самимий тилак ва чўқур эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Абдуллоҳ ИККИНЧИ,**  
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLAMO KARIMOV JANOBI OLIIYLARIGA

Илоҳий раҳмат ва неъматларга бой Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг ҳукумати ва мусулмон халқини самимий муборакбод этаман.

Ушбу муборак ойда ҳаммамиз Қодир Аллоҳнинг кенг марҳаматлари, хайру баракотларидан баҳраманд бўлгаймиш, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Сизга муваффақиятлар ва сийҳат-саломатлик тилаб қоламан.

**Сайид Мухаммад ҲОТАМИЙ,**  
Эрон Ислам Республикаси Президенти

## Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



### ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Ёш бўлишига қарамасдан қўллаб хайрли ишларга бошқош бўлаётган ҳоҳлик тадбиркор Аҳмаджон Уринов ҳақида гап кетганда «қадамидан ўт чақнайди», йўқ бор қилади деган ишларга таъриф тавсиф берилади. Сабаби шундаки, елиб югуриб қолган чикарадиган «Хонқоқ» мастулияни чекланган жамиятни ташкил этган бу тиниб-тинимас йигит тез орада нон ва нон маҳсулотлари, салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва уларда тайёрланадиган маҳсулотлар билан савдо қиладиган дўконлар очиб, фаолият кўламини кенгайтирди. Ишлаб чиқариш мажмуида бугун 150 иш ўрни яратилди ва йилга 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Яқин орада эса чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех очиб мўлжалланапти.

Суратларда: нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси ишчиси Нодира Хайитова; ишлаб чиқариш мажмуининг умумий қўрилиши; салқин ичимликлар тайёрлаш корхонаси ишчиси Санъат Матқаримов;



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

## ЭЪТИБОРГА САЗОВОР МЕҲНАТ ЗАФАРИ

19 октябрь куни эришилган ютуқ ва байрамона шодликни навоийлик пахтакорлар узоқ йиллардан буён орзу қилиб келишарди

Уша кун мамлакатимиз Президентини йўллаган табрик вилот аҳли ёдидан энди ҳеч ҳам кўтарилмаган керак: «Сизларнинг эришган бу меҳнат зафарингиз алоҳида эътиборга сазовор», — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Ҳа, навоийлик деҳқонлар бу йил бор-йўғи 30 иш кунда 110 минг тонналик пахта хирмони бунёд этдилар. Бунда мавжуд 2272 фермер ҳамда 1759 та оилавий пудратчининг ҳиссаси катта. Шунингдек, 33 та ширкат ҳужалигининг ҳам салмоқли улуши бор. Қизилтепа, Хатирчи, Кармана ёхуд эрта-индин хирмонини бутлаш учун ҳаракат қиладиган Навбахор туманлари меҳнат аҳли чиндан ҳам залворли зафар йўлида астойдил тер тўкишди.

Қолаверса, вилот пахтачилиги бу йил туб бўрилиш йўлига ўтди. Уйилган хирмоннинг 35 фоизи юқори навларга соғилди. Бунинг 11 минг тоннадан ортқи маҳаллий шароит-боп уруғлик пахтадир. Тармоқ рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 15 фоизга ошиб, 25

фоиз бўлиши қутилмоқда. Изоҳлаб айтганда, сўнгги йиллар қоққилигидан чиқиннинг сирни — кузги-киши ишларининг вақтида ўтказилгани, қўқлам чоғи қилган барвақт экилгани ва агротехника тадбирларининг сифатли бажарилганидир. Одамларга гўзага ишлов бериш давридан тортиб, терим мавсумигача иш ҳақи вақтида тарқатилди. Йил давомида тармоқ меҳнат аҳлига 7,8 миллиард сўмдан зиёд рақд пул берилди.

Ишдаги сифат ва салмоқнинг ўнганлиши боис, навоийлик бу йил биргина соҳанинг ўзидан салкам 28 миллиард сўм даромад қилишарди, унинг 3,5 миллиард сўми соф фойда. Галлачилик ва пиллачиликдан олинган 10 миллиард сўмлик фойдани ҳам қўшиб ҳисоблаб, тасавур қилиб кўринг: бу — аҳоли фаровонлиги ва унинг ижтимоий ҳимояси, қўлайликлари ҳамда янги-янги мактаблар, замонавий касб-ҳунар коллежлари, компьютерлашган академик лицейлар... дегандир. Минглаб янги мўқим иш ўринларига эга пахта заводлари,

чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи қўшма корхоналар, ёшил ишлаб чиқарувчи янги линиялар, газ ва сув таъминоти қувурлари, замонавий йўллар... Улар Қизилтепада, Карманада, Нуротда, Хатирчида... ҳамма туманда бор. Давлатимиз раҳбари табригидан руҳланган навоийликлар ҳосилнинг сўнгги миқдорларига янги-янги олиб, хирмони салмоғини 120 минг тоннага етказишни лафз қилишди. **Музаффар ШАРОПОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири



## БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ БУГУНИ, ЭРТАСИ ВА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

### ЎЗХДП САЙЛОВЛДИ ПЛАТФОРМАСИГА ТАКЛИФЛАР

### ЕРГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Матбуотимиз Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди ҳужжати киритилаётган турли тақлиф ва истақларни чоп этаётгани хайрли иш бўлмоқда. Менинг ҳам айрим фикр-мулоҳазаларим бор. Маълумки, республикамиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда яшайди. Қишлоқ ҳўжалиги ҳаммамизни боқайди. Аммо сўғориладиган ерларнинг шўрланиши йилдан-йилга ортиб, экиш-тиқиш ишларига яроқсиз бўлиб қолаётир. Шунинг учун партиямизнинг сайловолди Платформасидан экин ерларининг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид давлат сиёсати тўғрисидаги масала ўрин эгаллашни хоҳлардим.

**Д.МАЪДИЕВ,**  
Қашқадарё вилоти

### ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ

Бугун «Ўзэкспомарказ»да «ТТФ—2004» 10-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўз ишини бошлади. У «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг расмий мадади

да ташкил этилди. Ярмаркада жаҳоннинг 30 дан ортқи мамлақати фирмалари ва компаниялари вакиллари иштирок этадилар. Ярмарканинг кўргазма стендларида ҳар бир мамлақат ўзининг миллий ва географик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда

сайёҳлик соҳасидаги кўп йиллик иш натижаларини, шунингдек, сўнгги ишланмалари ва янгиликларини тақдим этадилар. Шунингдек, Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг семинари ўтказилди.

**Алишер РЎЗИЕВ**

### Газета саҳифаланаётганда ҳар гал жойлардан

## «АЛЛО, ТАҲРИРИЯТМИ, ХУШҲАБАР ЁЗИБ ОЛИНГ...»

ДЕГАН ҚЎНФИРОҚЛАР ШУ КУНЛАРДА ҲАР ҚАЧОНГИДАН ТЕЗ-ТЕЗ БЎЛИБ ТУРИБДИ

— Вилот пахтакорлари эришган бугунги ютуқда маррага биринчилардан этиб келган Қўзилтепа ва Хатирчи туманлари заршосларининг алоҳида ҳиссаси бор, — деб таъкидлайди **навоийлик журналист Абдумутал НОРБОВЕВ.** — Қўзилтепаликлар бугунгача 933 гектар пахта майдонларидан 27 минг тоннадан зиёд хомашё йиғиштириб олган бўлсалар, хатирчиликлар тарозига 35 минг 300 тонна пахта қўйиб, мавсум охиригача бу курсаткичи яна 3 минг тоннага оширишни мўлжал қилишди.

**Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Эркин Турдимовнинг** айтишича, биргина тармоқнинг ўзидан бу йил 9,5 миллиард сўм даромад қўрилди. Бунинг 3 миллиард сўмдан ортқи соф фойда...

**лоятининг Булоқбоши тумани** заршосларидан 11091 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси қабул қилиб олди... — Давлатга сотилган 27100 тонна «оқ олтин»дан қўзилтепадан соф фойданинг ўзи 2 миллиард сўмдан олди, — деб хабар беради **Олий Мажлис депутати Нейматулла ХУДОЙБЕРГАНОВ.**

**Тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ражаббой ЙЎЛДОШЕВ** ҳам боғланди: — Туманимиз — Қорақалпоғистонда энг йирик ва пахтачиликда «оқи» оғир ҳудудлардан бири. Мустақилликнинг ўн учинчи йили кузи биз учун қутлуг келди. Эл хирмонига режадагидан анча зиёд — 32600 тонна «оқ

олтин» тўқдик. Мавжуд хомашёни етиштириш учун 35 миллион 766 минг сўм маблағ сарфланиб, 8 миллиард 6 миллион 618 минг сўм даромад олинди. Бунинг 1 миллиард 670 миллион 852 минг сўми соф фойда. Пахта йиғим-терим даврида теримчиларга 1 миллиард 188 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Етиштирилган ҳосилнинг 75 фоизи биринчи навга сотилди...

Дароқе, мамлакатимизнинг умумий пахта хирмони 3 миллион 300 минг тонна сари юксалюттан шу кунларда (19 октябрь) ҳолатига кўра) маррага биринкетиб елаётган туманлар издан вилотлар ҳам сафга тизила бошлади: Қашқадарё, Бухоро, Навоий... Эрта-индин Хоразм, Андижон, Қорақалпоғистон, Самарқанд...

**Тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ражаббой ЙЎЛДОШЕВ** ҳам боғланди: — Туманимиз — Қорақалпоғистонда энг йирик ва пахтачиликда «оқи» оғир ҳудудлардан бири. Мустақилликнинг ўн учинчи йили кузи биз учун қутлуг келди. Эл хирмонига режадагидан анча зиёд — 32600 тонна «оқ

олтин» тўқдик. Мавжуд хомашёни етиштириш учун 35 миллион 766 минг сўм маблағ сарфланиб, 8 миллиард 6 миллион 618 минг сўм даромад олинди. Бунинг 1 миллиард 670 миллион 852 минг сўми соф фойда. Пахта йиғим-терим даврида теримчиларга 1 миллиард 188 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Етиштирилган ҳосилнинг 75 фоизи биринчи навга сотилди...

Дароқе, мамлакатимизнинг умумий пахта хирмони 3 миллион 300 минг тонна сари юксалюттан шу кунларда (19 октябрь) ҳолатига кўра) маррага биринкетиб елаётган туманлар издан вилотлар ҳам сафга тизила бошлади: Қашқадарё, Бухоро, Навоий... Эрта-индин Хоразм, Андижон, Қорақалпоғистон, Самарқанд... Зафар нашидасига муюсар бўлаётган юзлаб, минглаб ширкат, деҳқон, фермер ҳўжалиқларини оилавий пудратчилар меҳнатига тасанно!

— Алло, Хоразмдан чиқаяпмиз, хушхабар ёзиб олинг: **Янгиариқ тумани** вилотда биринчи бўлиб маррага етди. Эл хирмонига 18 минг тонна оқ олтин тўқилиб, 5 миллиард сўм даромад қилинди. Бунинг 1,5 миллиард сўми соф фойда...

— Бу йил пахтачи қайта ишловчи корхоналар **Андижон** ви-

лоятининг Булоқбоши тумани заршосларидан 11091 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси қабул қилиб олди... — Давлатга сотилган 27100 тонна «оқ олтин»дан қўзилтепадан соф фойданинг ўзи 2 миллиард сўмдан олди, — деб хабар беради **Олий Мажлис депутати Нейматулла ХУДОЙБЕРГАНОВ.**



«Пахта — 2004»

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANMOKI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Biznes@mail.tpe.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALQOBANK** — aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22  
WWW.alqobank.uz E-mail: info@alqobank.uz

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётидан

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис депутати, парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси Машкура Сафеева Қашқадарёда бўлиб, вилоят фуқаролик суди, «Каршигаз», «Қашқадарё соҳили» сикатгоҳи, «Чилонзор» компанияси, «Қарши — Термиз минтақавий темирйўл узели» ва Қарши туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги ишчи-хизматчилари билан учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис депутати, парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси Машкура Сафеева Қашқадарёда бўлиб, вилоят фуқаролик суди, «Каршигаз», «Қашқадарё соҳили» сикатгоҳи, «Чилонзор» компанияси, «Қарши — Термиз минтақавий темирйўл узели» ва Қарши туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги ишчи-хизматчилари билан учрашувлар ўтказди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят оналар ва болалар шифохонасида сайлов жараёни, унга кетаётган тайёргарликка бағишланган учрашув ўтказилди.

Партиямиз фаоллари ҳақида ҳикоялар

Фаргона давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Гулжаҳон Қосимова ҳам олима, ҳам жамоат арбоби сифатида аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси, бугунги ўзбек аёлининг интеллектуал имкониятлари янада тўлароқ намоён бўлиши учун қайғуради.

ГУЛЖАҲОН ОПАНИНГ ОРЗУЛАРИ

«Пана-пастқамлардан яширинча, писиб кириб келаётган турли диний оқимлар ақидапарастлик, террорчиликнинг захарли нафасини тарқатиб, юртимиз тинчлигини бўзмокка ўринишмоқда. Улар ўзларининг халқимиз табиати, урф-одатларига зид бўлган иллатларини, ёвуз мақсадлари яширинган диний ақидапарастликни аёллар орасида ҳам ёйишга, аёллар онгини захарлашга ҳаракат қилмоқдалар.

— Донишмандлардан бири, — дейди Гулжаҳон опа. — эркак илми бўлса — фарзанд илми бўлади, аёл илми бўлса — миллат илми бўлади, дея лутф қилган. Жуда ҳақ гап. Зеро, хонадон бекаси илм-маърифатли, оқила, фозила, маънавияти юксак бўлса, ўша оилада ўсган фарзанд иқтидори юқорилиги билан ажрალიб туради. Ахир қуш уясида кўрганни қилади, дея бежиз айтмаганлар. Ўзбек аёлини ўрта аср жаҳолатига тортаётганларни шу боис ҳам халқимизнинг ашадилий душманлари ҳисоблайман.

Опанинг куюнганча бор. Ақидапарастлик ҳатто олий ўқув юртиларига кириб келган вақтлар ҳам бўлди. 1990 йиллар охирида Фаргона давлат университети талабалари орасида ҳам шу йўлга кирганлар қайд этилган. Талаба қизлар орасида дарсларга рўмолга бурқаниб келаётган, олийгоҳнинг маданият-маърифий тадбирларида қатнашишдан ўзини олиб қоридиган, илм олиш эмас, фақат диний русумларни бажаришни асосий иш деб биладиганлари пайдо бўлди.

Андижонлик иқтидорли тарк этарди. Жисмоний тарбия дарсларига эса умуман қатнашмасди. Кечагина туппа-тузук ўқиб юрган, келажиги порлок бу талабанинг бундай аҳволга тушиши Гулжаҳон Қосимовани изтиборга солди. Ахир, сenga илм бераётган устозга шундай муносабат қўрашмасди. Бу на муборак динимиз аҳомлири, на халқимиз урф-одатларига тўғри келади! Гулжаҳон опа Феруза билан тез-тез суҳбатлаша бошлади. У кириб келаётган йўлнинг охири зулмат эканлигини тушунтирди.

— Ахир ҳозирги кунда биргина фан соҳасида Ўзбекистон аёллари орасида 200 дан ортиқ фан доктори, 4 минг нафардан ортиқ фан номзодлари ишлашяпти, 150 минг на-

фардан ортиқ хотин-қиз илм-фан ривожига ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Маданият ва санъат, бошқарув тизими, иқтисодий соҳаларида Ватан равнақи учун хормай-толмай меҳнат қилаётган аёлларимизнинг сон-саногии йўқ. Ҳўш, ана ўшалар ҳам сен каби йўлга кирса, Ўзбекистоннинг бугуни-эртаси нима бўлади, ҳавф остида қолади-ку! Уйлаб кўр... — деди суҳбатлардан би-

заш, турли таомлар, пишириқлар тайёрлаш сирларини ўрганадилар. Факультетларда иккинчи касб бевуви тўғрақлар, «Сирдошлар», «Нафосат» клублари ишлаб турибди.

Муҳими, опа фақат университет доирасидагина чегараланиб қолмайди. У олима аёллар гуруҳига бош бўлиб, вилоятнинг энг чекка бурчакларидаги маҳалла, ташкилот ва муассасаларга ҳам таъриф буюриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, бошқа ҳаётий долзарб масалалар юзасидан учрашувлар, суҳбатлар ўтказди.

Ақинда Кува туманида хотин-қизлар билан шундай учрашув бўлиб ўтди. Қишлоқ аёллари Гулжаҳон Қосимова, Башорат Фозилова, Турғуну Эгамбердиевалар билан очик мулоқотда ташвиш-муаммолари, ўзларини қийнаётган масалаларни тўқиб солдилар. Олималар ҳам ўз навбатида жамият ҳаётида мавжуд муаммолар ҳақида очик-ойдин гапиришди. Уларни ҳал этиш йўллари хусусида, бунда аёлларнинг иши ва роли ҳақида ошқора айтилди. Олима аёллар билан шундай учрашувлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилляпти.

— Шундай мулоқотлардан сўнг ҳаммиса кўнглим бир нарсадан тўлиб қайтади, — дейди Гулжаҳон опа. — Оддий қишлоқ хотин-қизлари мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ҳар бир соҳага қизиқдилар, тақлиф ва истақлар билдирадилар. Шундай аёллар ҳеч қачон диний ақидапарастлик, террорчиликнинг мудҳиш ғояларига қўл бўлмайдилар!

Фаргона шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида ўрта бўйли, вужуди, бутун қиёфасидан илм-урфон нури уфуриб турган бир аёл университет томон ошиқмоқда. Бу кўча унинг падари бузруквори, Фаргона шаҳри ривожига катта ҳисса қўшган табаркур инсон — Маҳмуд Қосимов номига қўйилган. Гулжаҳон Қосимова ана шундай улуг инсон фарзанди. Айни пайтда, тинч, фазилатли бир оила бекаси, турмуш ўртоғи билан биргаликда икки фарзандини тарбиялаб эл-юрт хизматида берган. Партияимизнинг фаол аъзоси Г.Қосимова яқинда докторлик диссертациясини ишловига етказди. Унинг интилишлари, орзулари ана шундай кўп қиррали...

Зейна АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Фаргона вилоят кенгашининг иккинчи котиби



Гулжаҳон Қосимова

Сайловлар тўғрисида саволингиз борми?

АТАМАЛАРГА ТАЪРИФ БЕРСАНГИЗ...

ЁХУД САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН СИРТҚИ МУЛОҚОТ

Иш куни бошланиши билан тахририятимизнинг 133-20-36 рақамли телефони жиринглаб қолди.

— Биз, «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси»дан — Анвар Саидхамидов, Ҳамза Мардиев, Саодат Ғойипова (Тошкент)... Саволимиз бор эди...

— Марҳамат. — Аввало, газетангизда «Сайловлар тўғрисида саволингиз борми?» деган янги махсус руқн очилгани айни муддао. У бизга парламент, парламентаризм, Сенат каби кўпдан-кўп атамалар маъносини тушуниб олишимизга ва ўз ўрнида яқинлашиб келаётган Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов моҳиятини ойдинроқ билишимизга анча кўмаклашяпти... Парламент, Олий Мажлис, Куйи палата деган атамалар хорижий давлатларда қандай номланади? Уларда ҳам биздагидек Олий қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис деб номланганми?

Саволни ёзиб олишимиз билан тахририятимизнинг хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири Ҳайдар НОСИРОВА почта орқали келган саволларни ҳам узатди. Улардан бири:

«...Бугунги кунда оммавий-ахборот воситаларида «Қонунчилик жараёни», «Қонун лойиҳаси» сингари атамалар, иборалар кўп ишлатилаяпти. Уларнинг тавсифи ҳақида узоқ гапириш мумкин, аммо юридик тилда шакллантирилган аниқ бир қисқача таъриф борми?»

Раҳимидин САЙФУЛЛАЕВ, Навоий вилояти, Нурота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги, Кўкпета кишлоғи, ўқитувчи.

БИРИНЧИ САВОЛ ЖАВОБИ: Дунёнинг аксарият давлатларида Парламентнинг номи давлат тили таъсирида шаклланди. Масалан, Олий Қонунчилик органлари Франция ва Буюк Британияда Парламент номи билан (француз тили таъсирида), Испанияда Бош Кортес, Исроилда Кнессет, Америка Қитъасининг кўпгина мамлакатларида Конгресс деб юритилди.

Истиқлол даврида шаклланди мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи ҳокимияти органининг Олий Мажлис деб номланиши кейинчалик ҳам қонун чиқарувчи икки палатали олий орган — Олий Мажлис деб номланишига сабаб бўлди.

Шунингдек, парламентларнинг қуйи палаталари ҳам турли мамлакатларда турлича номланган. Буюк Британияда Жамоалар палатаси, Францияда Миллий Мажлис, Германияда Бундестаг, АҚШда вакилар палатаси, Россияда Дума, Польшада Сейм, Италия ва Мексикада депутатлар палатаси...

ИККИНЧИ САВОЛ ЖАВОБИ: ҚОНУН деб, ҳокимиятнинг олий вакиллик органи ёки аҳолининг иродасини тўғридан-тўғри ифодалаш (масалан, референдум) орқали қабул қилинган энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солидиган ҳуқуқий ҳужжатга айтади. Қонун давлат ҳуқуқ тизимининг асосини ташкил этади.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ — қонунчилик ҳокимиятининг одатда конституция ва тегишли орган регламентида мустақамланган қонунларни яратиш бўйича фаолият тартиби.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — референдумга ёки қонунчилик органи муҳокамасига қиритишга тайёрланган қонун матни. У қабул қилиш учун тақдим этилади. Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон қаҳрамонлари

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАЁТГАНЛАР

«ҚАҲРАМОН БУВА» НИМА ДЕЙДИ?

Иброҳим Файзуллаев... бу кишини фақат Денос ёки Сурхондарёда эмас, балки бутун республикада яхши танишди. Кўпни кўрган. Гапларида ҳикमत бор. Шу боис, маслаҳат истганлар «оқоқол» истиқболга шошиладди: «Қаҳрамон бувадан сурайдилар», «Қаҳрамон бува дуосини олиб қайтайлик...»

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев бағрикенг, хушфелъ, нуқтадон одами. 22 йилдан зиёдроқ вақтдан бери хўжаликка раҳбар.

Утган йили бу хўжаликда бўлиб, унинг айрим чизгиларини дафтаримизга туширган эдик. ҚАЙДЛАР: «...Базилар сал нарсасга ҳаволаниб кетишди. Аммо на бойлик, на мансаб одамнинг салбий ўзгаришга сабаб бўлмаслиги лозим. Президентиимиз таъбири билан айтганда, раҳбар аввало, адолатли бўлиши керак. У адолатсиз бўлдики, кишилар бахтини ўғирлайди, иззат-нафсини топтойди. Ҳозир дориларом кунлар. Тўғри, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас... Агар селасам, нималар ўтмаган, бошимиздан. Тўғриси, орқага қарасам бу кунларни кўзга суртудек бўлман...»

Иброҳим Файзуллаев қилган ишлар шунчаки ортида қолиб кетаверадиган юмушлар эмас. Ота-хон ҳар бир ишини обдон, қайта-қайта кўздан кечириди, орқага қайрилиб қарайди-да, таҳлил қилиб кўради. Не ютуқлар борки, ҳаммаси ана шундай мулоҳазалар махсули. Бир мисол: хўжаликда жорий йилда галла-

дан гектар бошига 71,5, пахтадан эса 50 центнердан ҳосил олинди. Бунинг учун аввало, дастлабки экин-тикин тадбирлари пухта амалга оширилди. Кейинги тадбирлар ҳам худди шундай...

ИЗОХ: «Дейнов» навли пахта-ни яратиш учун қанча машаққатлар кеңирилмади. Сувсизликка чидамли, толаси 44-45 фоиз. Чигининг ёғлилик даражаси юқори, меҳнати кам. Сарф-харажати оз... Ениги, ўғит ва техника харажатлари иқтисодини айтмайсизми?!

Оқоқол ҳамроҳлигида пахта далаларида бўлидик. Ҳар бир тул гўзада 40-50 тагача кўсақ... Кеча хушхабар олдик: режа биринчи теримдаёқ бажарилди.

«Дейнов» нави дастлаб тумандаги «Хазорбоб» ширкат хўжалигида яратилган, синиб кўрилган. Тахриблар Иброҳим Файзуллаев бошчилигида амалга оширилди. «XXI аср пахтаси — мана шу бўлди» дейди оқоқол қулимсиз-ди.

УМРИБОЙЛИК ҚАДР Иброҳим Файзуллаев теварак-атрофидагиларни, юртни кадрловчи инсон. Ҳаммага бававар муомаласи унинг фазилатларига зийнат бўлади. «Яқинлари ва кўз ўнгидаги одамлар қадрини билган киши Ватанини ҳам қадрлай билди» дейди у.

ЯНА БИР ҚАЙД: «Ватанини умри боқий иморатга ўхшатаман. Унга қаданган оддий чўчинг ҳам ободликда ўзига ҳос ўрни бор. Хўжалик раҳбариман-у, баъзан шундай ўйлайман-да. Барчамиз Ватандан қарздоримиз. Биз Ватан учун нима қилмоғимиз керак. Биринчи қалдағи вазифамиз: қобил ва содиқ фарзанд тарбияси. Ким нима экса — шунини

ўради. Бургут боласи бургут бўлади, қарга эмас... Ватанини сотиб бўлмайди. Лекин яна бир ҳақиқат мавжуд: аксариятимиз «Ватан, Ватан!» деб кўрагимизга ўришни, оғиз иротини билла-миз-у унга зигирдек манфаат келтирмаймиз. Айримлар «Халқим! Халқим!» дейди-ю хаёлида халқум бўлади. Инкор этаоласизми? Йўқ!

«ЛОЧИН» ПАРВОЗИ... Тумандаги яна бир инсон — «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев изланувчан, янгиликка ўч, чўрткесар раҳбар. У хўжаликка 1991 йилда асос солганди. Йиллар ўтиб, чорвачилик ривож олиб, 1700 бошдан ортиқ қорамолчилик фермаси ташкил топди. Юз гектар майдондаги галла ва пахтадан юқори ҳосил олиниб, юқори натижаларга эришилди. Меҳнатга яраша даромад ҳам: биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 500 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди.

Ҳа, айтгандай, хайрига, саховатпешаликда ҳам Аҳмад ака кўпчиликка ўрнак. 120 миллион сўм маблағ сарфлаб улкан стадион, кураш ва спорт зали бунёд этган ҳам шу киши. Қишлоқ врачлик пункти, дейқизми, қолбаса ёки музқаймоқ ишлаб чиқариш цехиими, бари «Лочин»-да бор. Ҳозирча қишлоқ ёшларидан 30 киши иш билан ташминланди. Келгусида...

— Яқинда йодланган суз тузи ишлаб чиқарувчи янги цехимиз шунга тушди, — дейди у киши. — Энди вилоят аҳолисини йодланган суз тузи билан тўла таъминлаймиз. Соатига 5 тонна сифатли махсулот ишлаб чиқарадиган ускуналарни Туркиянинг «Оруз

пластик» фирмасидан 8 минг АҚШ долларига сотиб олдик. Келажакда, яна ўнлаб-юзлаб янги иш ўринлари ташкил этиш ниятимиз бор. Яқин орада Германия технологияси асосида 8 миллион 400 минг еврога ип-қалава ишлаб чиқарадиган завод ҳам қурмоқчимиз. Ушанда 1200 та янги иш ўринлари яратилади...

— Фаолиятингиз кўлами кенг, албатта. Лекин бунда ўша дастлабки ҳаракатингиз — деҳқончиликнинг ҳиссаси катта, шундайми? — Шундай. Нимаки ютуқларга эришган бўлсак, деҳқончилик тўғрисида эришганимиз ҳам. Ҳар қарасангиз, ер бўлади... Мехригиёси бор унинг, ҳаммамиз ерликмиз, ахир. Ер устида истиқомат қиламас, бошпана кураемиз...

Айримларга хайронман: ерга қарамайди-да, ундан ҳосил талаб қилади. Бу — ёмон иллат. Оллоҳ ана шу иллат соясидан сакласин... — «Меҳр ва муруват йили»да кўнглингиздан нималар кечаяпти? — Бир фикрим бор, шунини айнан ёзиб олдик, газетга чиқарсангиз: бу йил Президентимиз ташаббуси билан «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилинди. Тўғри-да, баъзан, асли ўзи меҳризи, иродаси кишилар вақтинчалик моддий қийинчиликлар олдида эсанқириб қолишмоқда. Фармон замирида «қош одамлар бир-бирларига меҳрлашсас, муруватлашсас, эзгулик илдизлари азалий қадриятларга айланса» деган уй-фирқар бор. Шунини тушансак, унга амал қилсак, бас...

Илҳом ҚАРОМОВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Долзарб мавзу

Қашқадарё — мамлакатимизда нафақат пахта, дон, балки мева, узум, सबзот етиштиришда ҳам пешқадам вилоятлардан. Қатор туманларда боғ-роғлар, узумзорлар кўп. Уларнинг асосий ҳосили Шаҳрисабз шароб-ароқ ҳиссадорлик жамиятида қайта ишланади. Аммо мазкур корхона кейинги пайтларда қолоқлик ботқоғига ботиб қолди. Савол туғилляпти: сабаби нимада, аҳвол ўнгандаими?

Чорпахилдан келган, қўллари меҳнатда тошдек қотган Нуридин ака олий ихтисосли агроном, шеърлик ҳам ёзиб туради. Олтимидан ошган боғбон билан ёзним айни пишиқчилик кунлари узумзорда суҳбатлашган эдик. — Бир гапга қизиқиб қолдим, ука, — дейди у қўришаркан, — мана, шу Узунир тепаликларидан бир неча минг йиллик шаҳар қолдиқлари топилибди. Шаҳрисабзнинг ёшинеи ҳам шунга қараб аниқлашган, дейишарди. Қазув ишлари чоғи хумларда узум уруғлари ҳам топилашганми... Демак, ота-бобларимиз шу қирлар ва дарё бўйида умргузорлик қилиб, узумчилик билан шуғулланишган... Ҳозир воҳодаги энг сарҳосил тоқзорлар ҳам шу жойда.

— Қадимгилар бу ерда соҳибкорлик қилиб, хумларда шароб сақлашган, демокчисиз... Яхшиси, бугун бу винобоб узумзорларни нима қиламиз, шунини айтинг. Уларни кесиб, ўрнига бошқасини экми пайти келмадими? — Ҳай-ҳай, убул бўлади-я, — Нуридин аканинг хиёл жаҳли чиқандек бўлди. — Бир вақтлар шўро айнаи шундай узумзорларни қиргин қилувди... Улардан нима қолди? — ...Қишмиш, султонни, хусайни, чарос, хўраки... ҳаммаси етарли. Лекин, узоқ эллардан атай

«Ҳазара» ширкати раиси: — Ҳўжалигимизнинг асосий даромади 160 гектар узумзор ва 29 гектар боғдан келади. Бошқа ер майдонларимиз оз. Корхонага узум сотиш юзасидан шартнома туздик, озроқ бунак олдик. У оёқга турмас, қўлимиз пул кўрмайди. Бошқа ўнлаб боғдорчилик хўжалиқларининг умиди ҳам шу...

Дарҳақиқат, вилоятнинг Яқабоб, Шаҳрисабз, Китоб туманларида азалдан тоқзорлар кўп. 1932 йилда алоҳида шароб-ароқ корхонаси қурилгани ҳам шу тўғриси. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида собиқ ит-

барча шароб турлари қайси навли узумлардан олинишини биларди. Сурункасига 12 йил жамоага раҳбарлик қилган кезларда у коняк ишлаб чиқариш, қўшма корхона тузиш, хорижга махсулот чиқариш режаларини тузди. Шифобахш ўт ва мевалардан тайёрланган «Ибн Сино» балъами ҳам ўз харидорларини топди.

Юртбошимиз 1998 йилнинг 3 июнида бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг убадтан ташқари сессиясида бошқа корхоналар қатори айнаи Шаҳрисабз шароб-ароқ ҳиссадорлик жамиятида раҳбарларнинг тез-тез алмаш-

тифоқ ҳудудида винобоб тоқзорларни йўқ қилишга «фатво» берилди. Шунчалик ҳосил мўл эдик, шароб тайёрламай, бозор хўраки узумга тўла бўлиб, боғбонлар ноқор қолишди. Саксон олтинчи йилда шароб-ароқ корхонасига Грузия, Озарбайжон, Молдова ва бошқа республикалардаги санот корхоналари раҳбарлари, концернларнинг раҳбарлари семинар-кенгашга тўпландилар. Чунки корхонада шарбат ишлаб чиқариладиган алоҳида цех қурилиб, унга махсус идишларда кўзда тутилган 6 минг тонна ўрнига 14-15 минг тонна узум қабул қилиб олинганди. Кейин улар шинига айлангилди. Хуллас, боғбонлар етиштирган катта ҳосил нобуд бўлмаганди...

Булар корхона раҳбари, марҳум Қураш Самиовнинг катта ташкилотчилиги тўғриси эди. У киши жаҳонда тайёрланаётган

тириляётгани сабаблари билан қизиқди. Рост-да, кейинги 6 йил ичида алмашган тўртта раҳбар даврида корхона ҳар йили таъаззулга ўз тутаверди. Шу йил бошида ўтган вилоят Кенгаши сессиясида қатнашган республика Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ҳам айнан шу корхона кувватлардан атиги 14 фоиз фойдаланиляётгани, солиқлар тўлламаётгани ва махсулот ўта сифатсиз эканлигини тилга олди.

Роса бир миллилард сўм қарз тўпаниб қолган, солиқ тушумлари пасайиб кетган, «ёз-ёз»лар тўғриси ноҳосолон муҳит вужудга келган корхонага ким ҳам раҳбар бўлиб келарди? Ҳатто ўтган йили ҳаммиса хорижлик меҳмонлар таширф буюрадиган, антика, тоқ зангалари ва боқчалар билан безилган намунавий зал ҳам ёниб кетди.

Т.ЁРБОВЕВ, тумандаги



Эътироф

Бугунги кунда саксон ёшни қоралаб бораётган мўстабар инсон, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддиновни халқимиз адабиёт оламига ёниб қирган ижодкорлардан бири сифатида яхши билади.

«Кунгил», «Бас энди», «Шафтолига», «Узал» каби аjoyиб шеърларини ўқиб берди. Кейинчалик домла ўз мақолаларида Чўлпонни эҳтиёткорлик билан тилга олгани («Йиллар ва йўллар») ва шеърларини ўзи муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар» тўпламида қўришга уринганини билмайсиз.

Қадамда туғилвермаслигини қайта-қайта таъкидлайди. Бу икки мақола янги китобни безаб турибди. Ушбу асар ўзбек адабиётшунослигининг гош мураккаб йўли ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга, ўз навбатида, оламга татийдиган не-не ижодкорларни йўқ қилиб юборган қаттол тузумнинг мўдҳиш кирдиқорларини ҳам бир қадар очиб берган.

УМР КИТОБИ

ЎЗБЕКISTON ҚАҲРАМОНИ ОЗОД ШАРОФИДДИНОВНИНГ «ИЖОДНИ АНГЛАШ БАХТИ» АСАРИНИ ЎҚИБ КўНГИЛДАН УТГАН МУЛОҲАЗАЛАР



Асарда олим юксак мезонлар асосида адабиётдаги иллатларга қарши турган, айни пайтда умидбахш изланишларни, катта шеърят нафаси уфуриб турган чинакам ижод намуналарини хайрихолик билан таҳлил қилиб, улардаги фазилатларни кўрсатиб берган эди.

Яқинда Озод Шарофиддиновнинг «Ижодни англаш бахти» номи салмоқли китоби нашрдан чиқди. Маълум даражада ижодий сарҳисоб — умр китоби бўлган мазкур мажмуа олти бўлимдан иборат.

Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирсам. Университетнинг тўртинчи курсида — 1964 йилда домла бизга йигирманчи аср ўзбек адабиётидан маъруза ўқиди.

гандек осон кечган эмас. Дастлаб, матбуотда Чўлпоннинг «қизил» шеърлари эълон қилинди. Сабоби, йиллар оша вуқудимизга сингиб кетган кўрқув ва ҳадиксираш туйғуси ҳали батамом йўқолмаганди.

Кўп ўтмай, домла Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари таҳлил этилган «Адабиёт яшаса — миллат яшар» номи мазмундор тадқиқотини, сўнгра «Чўлпонни англаш» мақоласини журнал таҳририятига олиб келди.

Бу мақолаларнинг ҳаммаси адабиётимизнинг йирик сиймоларидан фахрланиш, адабиётимизга қўлган хизматларини ҳалол, ҳолис баҳолашдек катта меҳр ва масъулият туйғуси билан суғорилган.

Устоз мана шу одил мулоҳазани маъқ қилиб олиб, адабиётимиз даргаларининг нури қиёфасини, бетакрор бадийи олами, бир сўз билан айтганда, уларнинг ўзига хос сурати ва сийратини моҳирона чиқиб берди.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Мовароуннаҳр», «Янги аср авлоди» сингари нашриётларда яқинда (2004 йил) чоп этилган янги китоблар ҳақида тафсилотлар берилган.

Ўқорида номи келтирилган бошқа нашриётларда ҳам чоп этилган тарихчи олим Ал-Ҳусайнийнинг «Ҳазрати Хожа Аҳрор Вали насабномаси», профессорлар — Собир Мирвалиев ва Хофиз Абдусаматовларнинг «Улмас Умарбек», «Шошма, қўёш», чет эллик ёзувчи «Алкиме-гар» (таржима), адиба Турсуной Содикованинг «Яшаш тилимин», таниқли журналист Зиёд Есенбоевнинг «Умр дафтари», Абдулазиз Мухаммадхари-мовнинг «Тошкентнома» китоблари ва яна бир қатор асарларга ёзилган шарҳлар ҳам шаксиз, китобхонлар диққатини ўзига жалб этади.

Шунингдек, «Китоб дунёси»нинг мазкур сонига академик лицей ва коллеж талабалари учун «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида (босмадан чиққан) дарслиқлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг номи, уларнинг жилдлари кўринишлари билан танишингиз мумкин.

«Болалар адабиёти» руҳи остида эса «Янги аср авлоди» нашриёти чиқарган сўнгги асарлар мазмун-моҳиятидан хабардор бўласиз.

Рангли-безакли чоп этиб келинётган ойнамонинг кейинги саҳифаларида одатдагидек, китоб ҳақидаги донларнинг оқил фикрлари, халқ ҳикматлари, қизиқ-қизик ғажомалар ва бошқотирмалар ҳам ўрин олган.

Ушбу китобга адабиётимизнинг хозирги авлоди ҳақида меҳр ва қўнқачлик билан ёзилган қўлбал мақолалар ҳам киритилган.

Озод ака илмий тадқиқотларга эҳтирос ва бадийлик олиб қирган жасоратли танқидчи, хасос адабиётшинос. Ана шу нобъ фазилатлари ўзида жамулжам қилган «Ижодни англаш бахти» китоби устознинг талабчан ўқувчиларига навбатдаги тўхфаси бўлди.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ, филология фанлари номзоди

«КИТОБ ДУНЁСИ»

ахборот-маълумот ойнамасининг 10-сонини босмадан чиқди

Унда бу гал «Ўзбекистон», Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Мовароуннаҳр», «Янги аср авлоди» сингари нашриётларда яқинда (2004 йил) чоп этилган янги китоблар ҳақида тафсилотлар берилган.

Ўқорида номи келтирилган бошқа нашриётларда ҳам чоп этилган тарихчи олим Ал-Ҳусайнийнинг «Ҳазрати Хожа Аҳрор Вали насабномаси», профессорлар — Собир Мирвалиев ва Хофиз Абдусаматовларнинг «Улмас Умарбек», «Шошма, қўёш», чет эллик ёзувчи «Алкиме-гар» (таржима), адиба Турсуной Содикованинг «Яшаш тилимин», таниқли журналист Зиёд Есенбоевнинг «Умр дафтари», Абдулазиз Мухаммадхари-мовнинг «Тошкентнома» китоблари ва яна бир қатор асарларга ёзилган шарҳлар ҳам шаксиз, китобхонлар диққатини ўзига жалб этади.

Шунингдек, «Китоб дунёси»нинг мазкур сонига академик лицей ва коллеж талабалари учун «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида (босмадан чиққан) дарслиқлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг номи, уларнинг жилдлари кўринишлари билан танишингиз мумкин.

«Болалар адабиёти» руҳи остида эса «Янги аср авлоди» нашриёти чиқарган сўнгги асарлар мазмун-моҳиятидан хабардор бўласиз.

Рангли-безакли чоп этиб келинётган ойнамонинг кейинги саҳифаларида одатдагидек, китоб ҳақидаги донларнинг оқил фикрлари, халқ ҳикматлари, қизиқ-қизик ғажомалар ва бошқотирмалар ҳам ўрин олган.

Хилола САЛОЕВА

Ўзбекистоннинг йурик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» муносабати билан янги «МЕҲР» — қисқа мuddатли омонат турини тақдир этади. Омонатга пул маблағлари миқдорлардан 3 ОЙ мuddатга камида 5000 СЎМ миқдориди Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Кўшимча равишда, банкнинг ишонч телефони эътиборингизга ҳавола этилади: 173-89-44, 45-35-43

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва қўлайтиринг!

«ЎЗБАТ АЖ» ҚҚ

ЕПИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ «ЎЗБАТ АЖ ҚҚ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 2004 ЙИЛ 27 НОЯБРЬ КУНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЎТҚАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР ҚИЛАДИ: ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НОСИРОВ КЎЧАСИ, 77 («ЎЗБАТ АЖ» ҚҚНИНГ БОШ ОФИСИ).

Йиғилиши бошланган вақт: соат 14.30 да Рўйхатга олиш: соат 13.00 да

Рўйхатдан ўтиш учун акциядорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- Акциядор (жисмоний шахс) учун — шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ёки акциядордан вакилнинг номига берилган ишончнома (овоз бериш учун акциядор вакилининг ишончномаси нотариал тарзда тасдиқланган бўлиши керак);
- Акциядор (юридик шахс) вакили учун — юридик шахс номидан берилган ишончнома.

«ЎЗБАТ АЖ» ҚҚ Кузатов Кенгашининг қарорига қўра, «ЎЗБАТ АЖ» ҚҚ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 28 октябрь ҳолатига қўра тузилган ҳамда акциялар сертификатига эга бўлган ва қўрсатилган сана бўйича «ЎЗБАТ АЖ» ҚҚ акциядорлари рўйхатига киритилган акциядорларни ўз ичига олади.

КУЧ ТАРТИБИ:

1. Жаноб Жан Марк Левини жаноб Джон Патерсон ўрнига 2004 йилга ва компания акциядорларининг кейинги йиллик умумий йиғилиши санасига қадар компания Кузатов кенгашининг аъзоси деб тайинлаш (сайлаш).
2. Жаноб Жоао Мендонсани жаноб Марк Петерс ўрнига 2004 йилга ва компания акциядорларининг кейинги йиллик умумий йиғилиши санасига қадар компания Тафтиш комиссиясининг аъзоси деб тайинлаш (сайлаш).

«Ўзбекистон овози» материалларини қўйиб босиш фақат таҳририят руссати билан амалга оширилади. Г — 1160

7337 нусxada босилди

«Ўзбекистон овози» материалларини қўйиб босиш фақат таҳририят руссати билан амалга оширилади. Г — 1160

7337 нусxada босилди

«Ўзбекистон овози» материалларини қўйиб босиш фақат таҳририят руссати билан амалга оширилади. Г — 1160

7337 нусxada босилди

«Ўзбекистон овози» материалларини қўйиб босиш фақат таҳририят руссати билан амалга оширилади. Г — 1160

Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш буйича

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2004 йил 10 октябрда ўтказилган танлов савдолари натижасига қўра, қуйидаги паст рентабелли корхоналар ва паст ликвидли давлат активлари (акция пакети) инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат корхоналари РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Манзили	Инвесторнинг тақлифлари		
			Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сакламаслик)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш мuddати (йил)
1	«Ўзбектрансқурлиш» давлат уюмчаси таркибиди «Тошкент таъбир ва таъмирлаш механика заводи» (ОРМЗ)	Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Олтин волйи кўчаси, 24А-уй	Фаолият турини сақлаб қолиш	1 288,7	2
2	22-иқтисоослаштирилган механизацияланган қўма колонна (СПМК-22)	Яққасарой тумани, Муқимий кўчаси, 3-уй	Фаолият турини сақлаб қолиш	556,0	1

2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Манзили	Инвесторнинг тақлифлари			
			Нисом жамоасидаги давлат актин, %	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сакламаслик)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн. сўм)	
1	«Маданий таъминот» ОАЖ	Тошкент шаҳри, Чилонгор тумани, Проектная кўчаси, 1 «А»-уй	90	25	180,0	1

Маълумот учун телефонлар: 133-22-98; 133-39-57.

«Тошкенттақтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси Фарҳоджон Омоновга падари буржувори

БОТИРЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Тошкент «Пилла» масъулияти чекланган жамияти жамият бош директори ўринбосари Сайдулла Тожиёва акаси, кишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Эркин Хусанович ТОЖИЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкенттақтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси Фарҳоджон Омоновга падари буржувори

БОТИРЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Тошкент «Пилла» масъулияти чекланган жамияти жамият бош директори ўринбосари Сайдулла Тожиёва акаси, кишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Эркин Хусанович ТОЖИЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкенттақтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси Фарҳоджон Омоновга падари буржувори

БОТИРЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Тошкент «Пилла» масъулияти чекланган жамияти жамият бош директори ўринбосари Сайдулла Тожиёва акаси, кишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Эркин Хусанович ТОЖИЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкенттақтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси Фарҳоджон Омоновга падари буржувори

БОТИРЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади